

Quizsocket.com- он-лайн ёки синфда жавобларни тайёрлашга мўлжалланган талабалар учун тестлар, анкеталар, сўровларни лойиҳалаштириш учун интернет асосидаги ёрдамчи дастур.

Goformative.com - ўқитувчилар учун турли ҳил савол форматлари билан тестлар ёки тестларни ишлаб чиқиш учун яна бир интернет восита: кўп вариантли жавобларни танлаш, ҳақиқий/нотўғри ва ҳоказолар шаклида бўлиши мумкин. Бундан ташқари, талабалар ўз жавобларини ёзиши ёки расм ёки диаграмма ёрдамида жавоб беришлари мумкин.

Socrative.com- вазифаларни бажаришда жамоавий ёки индивидуал тарзда иштирок этишни таклиф этади. Ўқитувчилар талабаларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганишларини ва олдиндан уларни баҳолашлари мумкин.

Kahoot.com - бу ўқитувчиларга саволларга жавоб бериш учун расм ва диаграмларни жойлаштириш имконини беради ва талабаларнинг жавоблари учун вақтни белгилайди.

Youtube.com - турли мавзулар бўйича кўплаб видео материалларни тақдим этади.

Ўқитувчилар бундай видео учун саволлар тайёрлайдилар ёки экспериментни намойиш қилиш учун қўшимча сифатида маърузалардан фойдаланиши мумкин.

moodle.edu.uz – Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан республика олий таълим муассасаларининг таълим йўналишлари бўйича масофавий таълимни жорий этишга хизмат қилувчи платформа юқоридаги портал ва сайтларнинг энг яхши томонларини қамраб олган. Сиз мазкур платформага ўзингизни ресурсларингизни жойлаштириш орқали талабалар билан виртуал мулоқотни йўлга қўйиш билан биргаликда уларнинг фанларни ўзлаштириш фаолиятини доимий қўллаб-қувватлашга эришасиз. Бу эса замонавий технологияларни ўқув жараёнига тезкор кириб келишига замин яратади.

Ушбу тавсиялар профессор-ўқитувчилар томонидан мустақил равишда узлуксиз малака ошириш жараёнида инглиз тили ва АКТ бўйича билимларини оширишга қаратилган. Шунинг ёдда сақлаш жоизки, ҳар бир профессор-ўқитувчи ўзининг касбий ривожланиши учун ўзи маъсулдир.

ТАЛАБАЛАРНИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНИГА ЖАЛБ ЭТИШ

ЎҚИТУВЧИ ВА ТАЛАБАЛАРНИНГ ЯГОНА ЖАМОАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

IMEP лойиҳасининг мақсадларидан бири олий таълим муассасаси ўз талабаларини ўқув жараёнига қай тарзда жалб қилаётганлигини аниқлаш ҳамда олий таълим муассасалари томонидан замонавий талабларга жавоб берадиган шарт-шароитнинг қай даражада яратилганини ўрганишдан иборат.

Ушбу кўрсатмаларни ишлаб чиқиш мақсадида лойиҳада иштирок этаётган Ўзбекистон ва Европа Иттифоқининг профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари вакиллари иборат лойиҳа жамоаси ташкил этилди. Мазкур лойиҳа жамоаси олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабалари орасида ўрганишлар ўтказди. Ўрганишлар натижалари 2017 йил 16-17 мартда Бухорода бўлиб ўтган лойиҳа конференциясида муҳокама қилинди. Профессор-ўқитувчилар ва талабалар вакиллари Ўзбекистон ҳамда Европа Иттифоқидаги университетларда ўтказилган ўрганишлар натижаларини муҳокама қилиш жараёнида энг яхши амалий кўрсаткичлар сараланиб, ўрганилиб чиқилди ва конференция сўнгида иштирокчилар томонидан бир овоздан маъқулланди. Ушбу кўрсатмалар IMEPнинг Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтган конференцияси муҳокамалари ва дастурлари ҳамда 2018 йил мартда бўлиб ўтган Лондон конференцияси мастер-классларидан сўнг қайта кўриб чиқилди ва янада ривожлантирилди.

Олий таълим тизимида талабаларни таълим сифатини таъминлаш жараёнига жалб этиш чора-тадбирлари қатор олимларнинг тадқиқотларидаги асосий масалалардан бири бўлиб келмоқда. (Astin, 1993; Bryson, 2014; Fredricks et al., 2004; Gibbs, 2014; Kahu, 2013; Nygaard et al., 2013; Pascarella & Terenzini, 2005). “Талабаларни таълим сифатини таъминлаш жараёнига

жалб этиш (student engagement)” бирикмаси бир вақтнинг ўзида ҳам *тушунча*, ҳам *амалиётлар* умумлашмаси каби мазмунларни англата олади. Кўпинча ушбу термин ўрнига маъно жиҳатидан бир-бирига жуда яқин бўлган икки маънодош сўзлар “*қўшилмоқ*” (involvement) ва “*иштирок этиш*” (participation) бирикмалари ҳам қўлланилади. Аммо мазмунан “*жалб қилиш* (engagement)” бирикмаси бошқа маънодош сўзларга нисбатан кенгроқ тушунчани ифодалайди; масалан, машғулотлар бошида у маълум бир ҳиссиётлар уйғунлиги (эмоционал жиҳатдан жипслаштириш) ва сезгига таянишни (тафаккур орқали бирикиш) талаб қилади (Harper & Quayle, 2009: 5). Кенг қамровли мазмунни ифода этиб келаётган “Талабаларни таълим сифатини таъминлаш жараёнига жалб этиш” бирикмасининг турли хил изоҳлари таҳлили ва турли муаллифларнинг бунга қандай ёндашгани Траулер (Trowler, 2010) томонидан ўрганилган. Олима ушбу тушунчанинг полисемантик жиҳатини изоҳлашдан ташқари, ўз олдига бир қатор ечимини кутаётган саволларни, яъни бизга талабаларни таълим сифатини таъминлаш жараёнига жалб этиш нима учун кераклиги, бундан ким манфаатдор бўлиши мумкинлиги ва мувафақиятнинг танқидий омиллари нимада акс этиши кабиларни ўрганишни мақсад қилиб қўяди.

К.Харрингтон, С.Синфилд, ва Т.Бёрнс (Harrington, K., Sinfield, S., & Burns, T.) (2016)





“Талабаларни олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлаш жараёнига жалб этиш”нинг келажакдаги ривожланиш босқичлари билан биргаликда тушунчанинг қуйидаги янгича изоҳини ҳам таклиф қиладилар, яъни “ушбу жараён талабаларга таълимнинг жамоавий, мураккаб ва ҳатто бир-биридан у даражада фарқ қилмайдиган турларини ҳам амалиётда синаб кўриш имкониятини беради ва бунинг туб моҳияти мустақил таълимга жалб қилиш, ўрганиш эса юксалиш гарови ҳисобланади”. Бу таъриф мазкур кўрсатманинг асоси сифатида эътироф этилади ва у олий таълим муассасаларида жамоавий, ижодий ва соғлом муҳитни шакллантириш, ўқитиш ва изланиш орасидаги чегараларни олиб ташлаш, ишлаб чиқариш, илм-фан ва таълим ўртасида интеграциялашувини кучайтириш, профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар ўртасидаги ҳамкорлик механизм ва шакллари жорий этиш, талабаларда ва ўқиш ҳамда ўрганишда инновацион фикрларни яратишни мақсад қилади. Талабаларни олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлаш жараёнига жалб этиш кўпинча ривожланаётган университетлар тажрибасида ва кундалик амалиётида юқори ўринда туради. Бу кўрсатмалар талабаларни фаоллаштиришга ундайди, академ жамоаларда уларнинг иштирокини рўжлантирадиган, яъни илмий мунозара ва ҳаётий билимларни ўрганиш жараёнида самара берадиган усулларни илгари суради.

УМУМИЙ ТАВСИЯЛАР

1. Барча олий таълим муассасалари учун муайян талаблардан иборат бўлган ва талабаларни таълим сифатини таъминлаш

жараёнига жалб этиш бўйича университет стратегияси ва дастурини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш бунда:

- талабаларни олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлаш жараёнига жалб этиш масалалари бўйича натижалар ва амалга оширилиши мўлжалланган мақсадларнинг аниқ тасдиғи бўлиши лозим, бунда уларнинг аниқ мақсадлари ва вақт оралиғи инobatга олиниши зарур;

- талабаларни олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлаш жараёни мувофиқлаштирилиши лозим;

- олий таълим муассасалари ўқув жараёнларини бошқарувининг барча соҳаларига муайян талабаларни вакил қилиб олади ҳамда турли масалалар юзасидан мутназам равишда маслаҳат олишларини таъминлайди.

2. Ўқув жараёни бошқарувининг такомиллашуви ҳамда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби салоҳиятининг профессионал даражада ўсиши талабаларни таълим сифатини таъминлаш жараёнига жалб этиши билан боғлиқ эканлигини тасдиқлайди.

3. Олий таълим муассасаларидаги Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотининг ишини олий таълим даражасига мувофиқ равишда янада кенгайтириш ва кучайтириш йўллари тадқиқ қилади.

4. Олий таълим муассасалари ташаббускорларни қўллаб-қувватлайди ва талабаларнинг академик ишчи гуруҳи ва менежерларнинг бошқа олий таълим муассасаларидаги муваффақиятли тажрибаларидан фойдаланган ҳолда соҳа бўйича эришилган энг яхши ютуқларни баҳолаш мақсадида йиллик конференция ташкил қилади.

5. Олий таълим муассасалари талабаларнинг ўқув жараёнига жалб этилишини баҳолаш ва текшириш жараёнини ва аниқ ўлчовли мўлжалларни ривожлантиради.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ УЧУН ТАВСИЯЛАР

1. Талабаларни олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлаш жараёнига жалб этиш Стратегиясини ривожлантириш. Стратегия ва дастур ҳужжатлари олий таълим муассасалари ҳамжамиятининг талабаларни таълим сифатини таъминлаш жараёнига жалб этиш билан боғлиқ хоҳиш ва истакларини аниқ ва равон ифодалай олиши керак.

2. Дастлабки босқичда жалб этишни таъминлаш.

Талабаларни олий таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлаш жараёнига жалб этиш дастлабки босқичда бошланиши ва талабалик даври мобайнида давом этилиши лозим. Талабаларни эрта таълим сифатини таъминлаш жараёнларига жалб этилиши муҳим ва бу олий таълим муассасасига тайёрланиш ва ўқишга кириш жараёнлариданоқ бошланиши зарур.

3. Университет даражасидаги талаба вакиллар

3.1. Талаба вакиллар тизимини ташкиллаштириш

Талабалар вакиллари олий таълим сифат даражасини ошириш учун тўлақонли аҳамиятга эга. Талаба вакиллар ўқув режаси ривожига, сифатли кафолатга ва кенг амалий фаолиятга жалб этилиши керак. Олий таълим муассасалари талабалар вакилларини қўллаб-қувватлаши ва уларнинг давомий иштирокларини рағбатлантириши керак. Бу ҳамкорлик ўқитиш ва ўрганиш амалиётини кенгайтиради ва талабаларнинг талаб ва эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда манбаларни ривожлантиришга имкон беради.

3.2. Профессional қўллаб-қувватлаш хизматларини жалб қилиш

Талабаларни ўқув-машғулотларига фаол жалб этиш академик бўлинмалар орасида ўтказилишга мўлжалланган бўлса, қўллаб - қувватловчи хизматлар эса талабаларнинг тажрибаларини алмашишида муҳим роль ўйнаши мумкин. АКТ хизматлари, таълимни ривожлантириш қўмиталари ва кутубхона



маъқулланган ижобий амалиётларни талабаларнинг белгиланган машғулотларига жалб қилиш профессионал қўллаб-қувватлаш бўйича аҳамиятли бўлади. Масалан, қандай қилиб улар талабаларни олий таълим муассасанинг режалаштириш, менежмент ва мониторинг жараёнларига жалб этиш. Талаба вакилларини профессионал қўллаб-қувватловчи хизматларнинг менежмент гуруҳлари мажлисларида қатнашишини инobatга олиши керак.

3.3. Олий таълим муассасаларидаги Ёшлар Иттифоқи бошланғич ташкилотлари ва талабаларни қўллаб-қувватлаш

Олий таълим муассасаларидаги Ёшлар Иттифоқи бошланғич ташкилотлари ва талабаларни академик муаммоларни ҳал қилишда, раҳбарият ва профессор-ўқитувчилар билан яқиндан ишлашда ва бошқарув тузилмалари фаолиятида иштирокини эътиборга олиши лозим. Олий таълим муассасаларидаги Ёшлар Иттифоқи бошланғич ташкилотлари ва талабалар менежмент ва профессор-ўқитувчилар ҳамда бошқарув бўғинларида талабаларни вакил сифатида кўрсатиши керак. Бу олий таълим муассасалари томонидан қабул қилинган қарорларга ижобий таъсир кўрсатади.

3.4. Фикр-мулоҳазалар бўйича ишлаш ва сифатли таълим хизматларига жалб этиш

Талабаларни фаол ҳолатда муаммоларга ечим топиш, уларни татбиқ қилиш ва кўздан кечириш учун қайта тақриз қилиш мақсадида, ишчи гуруҳ билан давомий ҳолда ишлаш жараёнига ўтиш жуда муҳим. Талабаларни таълим сифатини таъминлаш жараёнига жалб этиши таъсирлари ҳақида хабардорликни кучайтириш ва сифати ҳақида яхшироқ маълумот бериш зарур.

Сифатни назорат қиладиган бўлинмалар талабаларни турли хил сифатни таъминлайдиган хизматларга, масалан, курсларнинг мазмунини такомиллаштиришга дарс машғулотларининг сифатини текширадиган жараёнларга ва бошқаларга жалб қилиши керак бўлади.

4. Факультет/курслар даражасида талабаларнинг вакиллигини ошириш

4.1. Талабаларни факультет Илмий кенгашларида вакиллигини ошириш.

Факультет Илмий кенгашларида вакиллигини ошириш талабалар, академик гуруҳ ва маъмурият ўртасида очиқ мулоқот ва самарали ҳамкорликни шакллантириши учун ташкил қилиниши керак. Бу доимий равишда талаба вакилларнинг фикр-мулоҳазаларини эътиборга олиши ва қайси масалаларда ўзгаришлар қилиниши мумкинлигини аниқлашлари керак.

4.2. Фикр-мулоҳаза алмашиш тизимини ривожлантириш

Талабаларни таълим сифатини таъминлаш жараёнига жалб этишнинг энг муҳим элементларидан бири талабаларга ва ишчи жамоага турли ютуқлар ва воқеа-ҳодисалар ҳақида фикр-мулоҳазаларни алмашишни ва талабалардан келган фикр-мулоҳазалар қай тарзда мурожаат қилинганлигини аниқлашдир. Ахборот алмашиш матбуот, журналистика ёки коммуникация соҳалари профессионаллардан иборат бўлишига эътибор беришлари лозим.

5. Талабаларнинг ўзаро ёрдами.

5.1. Ўзаро ёрдам тизимини татбиқ қилиш (устоз-шогирд)

Юқори курсдаги талабалар бошланғич курс талабаларига ўқув жараёни, олий таълим муассасаси ҳаётининг умумий масалалари

бўйича кўнгилли тарзда ёрдам берадиган раҳбарлик лойиҳасини тузиши керак. Бундай лойиҳалар ҳар бир муассаса раҳбарлари учун ишончли тайёрловни таъминлайди ва рағбатлантиришни кучайтириш ёки тизимлардан манфаат топиш (иқтисодий бўлиши шарт эмас) ёки лойиҳада фаол қатнашишга ундаш учун фойдали тизимларни ривожлантиради.

5.2. Вакиллар лойиҳасини ва собиқ талабалар тармоғини ташкил қилиш.

Собиқ талабалар ва битирувчилар мос равишда танланган ва тайёрлантирилган вакиллар лойиҳасини таништириш ва ривожлантириш режаси таҳсил олаётган талабаларга ёрдам таклиф қилади, масалан, тажриба алмашишда, амалий семинарларни ташкил этишда ёки битирувчиларнинг иш жойларига вакилларнинг ташрифига ёрдам беради. Олий таълим муассасалари собиқ талабалар тармоғини ёки жамиятини ташкил қилишни яхшилаб мулоҳаза қилиши керак, яъни бу фикр, тажриба ва энг яхши амалиётларни алмашиш ва бўлишишда ёрдам беради.

6. Қўшимча ўқув режаси машғулоти.

6.1. Талабаларнинг клуб ва жамоатларини қўллаб-қувватлаш.

Олий таълим муассасалари талабаларини ўз низомларида ва турли фан соҳаларида янги кўникмаларни ҳосил қилиш ва билимларини кенгайтиришга ундайдиган клуб ва жамиятларни ташкил қилишни рағбатлантириши керак. Талабалар ҳам ўзларининг жамоада ишлаш кўникмаларини ва гуруҳларда қандай ишлаш кераклигини, маълумот алмашишни, лойиҳалар ва маросимларни ташкил этишни ўрганишади.

6.2. Турли-туманликка эришиш: бандликка кўмаклашиш, амалиётга жалб қилиш, кўнгиллилик.

Олий таълим муассасалари талабаларнинг ишга жойлашиши, интернатура ва амалиётнинг бошқа шакллари, турли ташкилотлар билан биргаликда ҳайрихоҳликни шакллантиришга ва ёрдамга муҳтожларга бир пайтнинг ўзида ёрдам



берувчи ишларни қўллаб-қувватлаши ва рағбатлантириши керак.

6.3. Фикр алмашиш ва маълумотларни ўртоқлашиш мақсадида доимий тadbирларни ташкиллаштириб туриш.

Олий таълим муассасалари ходимлари ва талабаларни фикр алмашиш ва инновацияларни муҳокама қилиш учун бирлаштириш ҳамда талабаларни ўқув жараёни сифатини таъминлашга жалб этишни амалиётда қўллаш фойдали бўлади. Олий таълим муассасасига тегишли бўлмаган, масалан, иш берувчилар, профессионал ташкилотлар ва нодавлат ташкилотларидан битирувчилар, собиқ талабаларни таклиф қилишни кенгайтириш ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

6.4. Мавжуд муаммоларни ҳал этиш, онлайн мулоқотлар ташкил этиш, ташрифлар уюштириш.

Олий таълим муассасалари талаба ва ўқитувчиларнинг бирлашган ҳолда қўшимча ўқув машғулоти ва онлайн мулоқотлар ташкил қилиш кабиларни биргаликда ва жамоада ишлаш муҳитини шакллантириш учун қўллаб-қувватлаши керак. Масалан, кўргазмаларга ёки бошқа учрашувларга доимий ташриф буюриш ва бу машғулотларнинг курсларга боғланиши; талаба ва маъмуриятнинг доимий онлайн маълумот алмашишлари ва лойиҳалар устида яқинроқ ишлашлари лозим.

7. Қўллаб-қувватлаш ва тақдирлаш

Олий таълим муассасалари Талабаларни ўқув жараёнига жалб этишнинг ривожланиши учун ижобий, амалиётга йўналган усуллари амалга ошириш мажбуриятини олиши ва ижобий натижаларга, ютуқларга эришган, янгилик яратувчи ёшлар, талабаларни мукофотлаш ва тақдирлаш ишларини йўлга қўйиши лозим. Талабалар ва академик гуруҳ учун уларнинг ўқитиш ва ўқиш жараёнларига янада фаол тарзда жалб қилиниши учун рағбатлантирадиган ва тақдирлайдиган муҳитни яратиш муҳим ҳисобланади.

8. Олий Таълимда халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш

Олий таълим муассасалари талабаларнинг халқаро даражаларга жалб қилиниши учун хорижий таълим муассасалари билан алоқада бўлиши, дунё бўйлаб профессионаллар ва академиклар билан мулоқотда бўлиш имкониятларини берадиган шароитларни яратиши керак. Халқаро тажрибада бундай ёндашув янги имкониятларни очади ва талабаларнинг профессионаллик, ишлай олиш олиш ва касбий маҳоратларини оширади ҳамда уларнинг ўрганиш тажрибасида муҳим таркибий қисм бўлиб қолади.

ИМЕР лойиҳаси доирасида ўтказилган Мастерклассда тўпланган мисоллар. Лондон, 2018 йил 7-8 март

ИШ БЕРУВЧИЛАРНИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНИГА ЖАЛБ ЭТИШ

Охирги икки йилликда Ўзбекистон олий таълим соҳасида сезиларли ўзгаришлар юз берди, жумладан, олий таълим муассасаларига академик мустақилликнинг босқичма-босқич берилиши, олий таълим муассасаларида ўқитиш сифатини таъминлаш бўлинмаларининг ташкил этилиши, олий таълимнинг халқаролашуви, ўқув юктамалари тақсимотидаги ўзгаришлар, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг такомиллашуви, замонавий ўқитиш методларини жорий этилишини ривожлантириш, талабаларда креатив ва инновацион фикрлашни шакллантириш механизмлари жорий этилди. Олий таълим муассасалари томонидан таълим сифатини ошириш, халқаро ҳамкорлик ва илмий тадқиқот ишларини ривожлантириш асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб олинди. Бундан ташқари, олий таълим муассасалари қўшимча молиялаштириш йўллари излаши керак.

Ўзбекистонда битирувчиларни иш билан таъминлаш масаласи устувор аҳамиятга эга. Талабаларнинг ишга жойлашиш даражасини ошириш мақсадида қатор қарорлар қабул қилиниб, ислохотлар амалга оширилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июндаги 3151-сонли "Олий таълим соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш ва бошқарув сифатини оширишда иқтисодиётнинг тармоқлари ва соҳаларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори олий таълим муассасалари ҳамда иш берувчилар олдида турган кенг қўламли вазифаларни қамраб олади.

Жумладан, малакали мутахассислар тайёрлаш ва битирувчиларни ишга жойлаштириш жараёнига иш берувчиларни кенг жалб қилиш масаласи ІМЕР лойиҳасининг иш дастурларидан бири сифатида танланган. Ушбу аниқ дастур доирасида талабалар, иш берувчилар, профессор-ўқитувчилар ва раҳбар ходимлари ўртасида сўровнома ўтказилди, олий таълим муассасаларининг илғор иш



тажрибалари, Васийлик кенгашининг фаолияти ўрганилди ва таҳлил этилди, шунингдек ҳамкасблар ва лойиҳага жалб этилган бошқа иштирокчилар билан биргаликда муҳокамалар ўтказилди.

Муҳокамалар натижаси сифатида Васийлик кенгаши тўғрисидаги низомга қўшимча бандлар киритиш таклиф қилинди. Шундай қилиб, Низомнинг 10-бўлими (II банд- Кенгашнинг вазифалари ва ваколатлари) га баъзи муҳим тавсиялар тайёрланди, жумладан меҳнат бозорини ривожлантириш тенденцияларига мос мутахассислар тайёрлашнинг истиқболли йўналишларини белгилаш, мазкур мутахассисликлар учун тавсия этилаётган дастурларни қўллаб-қувватлаш, ўқув режаларига инновация ва тадқиқотлар билан боғлиқ фанларни киритиш, талабалар учун амалий машғулотлар ташкил этиш ва кадрларни замон талабларига мос равишда қайта тайёрлаш шулар жумласидандир.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ВАСИЙЛИК КЕНГАШЛАРИНИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАВСИАЛАР

1. Ҳар бир олий таълим муассасаси, иш берувчилар билан ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқишда қуйидаги аниқ вазифаларни белгилаб олиши керак:

- Битирувчиларни ишга жойлаштириш натижаларидан келиб чиқиб шакллантирилган мақсадларнинг аниқ баён этилиши ва мақсадларни амалга оширишнинг аниқ режаси, муддатлари ва бошқ.

- ОТМ тузилмасининг барча бўғинларида (факультетлар даражасида, раҳбар ходимлар таркибида) битирувчиларни ишга жойлаштириш ишларини яхшилашга ёрдам берадиган асосий бўлимлар, лавозимлар, уларнинг мажбуриятлари, тузилма ва жараёнларга аниқлик киритиш.
- Васийлик кенгашига қуйидаги манфаатдор томонларнинг вакилларини жалб қилиш: бошқа таълим муассасалари; давлат органлари (масалан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги); асосий иш берувчилар ва ижтимоий шериклар; жамоат ташкилотлари, жамғармалар, уюшмалар; талабалар; ота-оналар; ОАВ.

2. Таълим жараёнида Васийлик Кенгашининг ролини ошириш, хусусан: ўқув режа ва дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этиш; тренинг машғулотларини ўтказиш ва кафедра йиғилишларида қатнашиш ва ҳ.к.

3. Битирувчиларни замонавий меҳнат бозорига тайёрлаш учун олий таълим муассасаларининг барча турдаги фаолиятини талабаларга танқидий фикрлаш ва тегишли амалий кўникмаларни ривожлантириш имкониятини бериш нуқтаи-назаридан ўрганиб чиқиш, таҳлил этиш ва ривожлантириш.

4. Талабаларнинг ишга жойлашиш имкониятларини ошириш мақсадида барча фанлар дастурларини битирувчиларни ишга жойлашиш даражасини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш.



5. Талабаларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш, ишлаб чиқариш корхоналарини талабаларнинг малакавий амалиётларини самарали ташкил этишга жалб этиш, бизнес-инкубаторлар, коворкинг марказларини ташкил этиш, танловлар ўтказиш, корхоналар билан илмий тадқиқот дастурларини жорий этиш, бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиш ва устоз-шогирд дастурларини, шунингдек иш берувчилар ва талабалар иштирокида клиникалар-маслаҳат марказлари (масалан юриспруденция бўйича)ни йўлга қўйиш, бир вақтнинг ўзида иш берувчилар, талабалар ва битирувчиларни жалб қилган ҳолда ҳар йили тадбирларни ўтказиш.

6. Талабалар ва иш берувчилар учун бўш иш ўринлари, стажировка ва иш тажрибасини ўзлаштиришнинг бошқа имкониятлари ҳақида маълумот берувчи ягона миллий вебсайт яратиш.

7. Олий таълим муассасаларининг иш берувчилар билан турли даражадаги (маҳаллий ва халқаро олий таълим муассасалари) ўзаро ҳамкорликнинг илғор тажрибаларини оммалаштириш механизмларини ишлаб чиқиш.

8. Талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўташ имкониятларини ошириш, волонтерлик (кўнгиллилар) ва устоз-шогирд дастурларини жорий этиш, битирувчиларни ўқитиш ва ишга жойлаштириш мақсадида иш берувчилар билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш. Ишлаб чиқариш амалиётни ўташ соатини кўпайтириш.

9. Битирувчилар жамиятини яратиш, шунингдек, битирувчилар учун талабаларга мураббийлик вазифасини бажариш, ўқув дастурлари бўйича таклифлар киритиш, касбий тайёргарликка қўйиладиган талаблар ва меҳнат бозорининг ўзгарувчан тенденциялари ҳақида ахборот тақдим этиш имкониятларини яратиш.

10. Иш берувчиларни жалб этиш амалиёти ва тамойилларини қўллаб-қувватлайдиган узлуксиз касбий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш.

11. «Ўқитувчи-амалиётчи» тушунчасини рағбатлантириш, масалан, ўқитувчилар учун уларнинг индивидуал касбий ривожланиш дастури доирасида доимий амал қиладиган қисқа муддатли ишлаб чиқариш амалиётини ўташ дастурини жорий қилиш. Бу ўқитувчиларни инновация, технология ва меҳнат бозорининг ўзгарувчан эҳтиёжлари ва иш берувчилар учун зарур бўлган кўникмалар ҳақидаги ўз билимларини янгилашига имкон беради.

12. Стратегияни қўллаб-қувватлаш учун маркетинг ва коммуникация режасини ишлаб чиқиш (масалан, меҳнат бозорини таҳлил қилиш, ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш, барча манфаатдор томонларнинг Васийлик Кенгашининг вазифалари бўйича хабардорлигини ошириш ва ҳар хил алоқа каналлари, оммавий ахборот воситалари билан ишлаш ва бошқалар).

13. Квалиметрик мақсадларнинг аниқ тўпланини ишлаб чиқиш, натижаларни мониторинг қилиш ва баҳолаш. Бу талабалар ва битирувчилар ўртасида сўровномалар, мониторинг дастурлари бўйича маълумотлар, шу жумладан, иш берувчилар, ходимлар ва талабаларнинг ҳисоботларини ўз ичига олади. Бу Васийлик Кенгашини бандлик соҳасида стратегияларни ишлаб чиқишда ва унинг самарадорлигига таалуқли ахборотлар билан таъминлашда ёрдам беради.

ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР УЧУН ТАВСИЯЛАР

1. Ўқув жараёнида ишга жойлашиш кўникмалари интеграцияси

Бирор фан дастурини ишлаб чиқаётганда ёки машғулот ишланмасини тайёрлаётганингизда мақсадларингиз ва таълим натижаларингиз битирувчиларни ишга жойлаштириш қобилиятларини ривожлантиришга қаратилганлигига ишонч ҳосил қилинг. Иш берувчилар битирувчиларнинг нафақат олий таълим муассасасини яқунлагач фанга оид билимларга эга бўлишларини, балки танқидий фикрлаш, жамоа билан ишлаш,

музокара олиб бориш қобилияти, етакчилик, мослашувчанлик, муаммони ҳал қилиш ва ташкилий кўникмалар каби иш учун зарур бўлган кўникмаларга эга бўлишларини кутишларини унутманг. Талабалар иш берувчилар қадрлайдиган, ўқитиш дастури билан ишга жойлашиш имкониятлари ўртасидаги алоқани аниқ англашлари муҳимдир. Улар ўзларининг билимларини ишга кириш учун тўлдириладиган резюме, анкеталарда, келажакдаги иш берувчилар билан бўладиган учрашувларда, конференцияларда кўрсатиш учун яхши мулоқот қобилияти ва ўзига нисбатан ишончга эга бўлиши керак.

2. Баҳолаш тизимини битирувчиларнинг касбий натижалари билан мослаштириш

Олий таълим муассасалари битирувчилари қаерда ишлашларини билиб олинг. Қандай ишларни амалга ошириши кераклигини таҳлил қилинг ва керак бўлганда, билим ва кўникмаларни баҳолаш тизими билан мослаштиринг. Мисол учун, агар сизнинг баҳолаш тизимингиз қоғоз ёки электрон шаклдаги тест тўпламлари сифатида тақдим этилса, битирувчиларингиздан иш жойида мунтазам равишда фактларга асосланган билимларга мурожаат қилиш зарурати билан боғлиқ вазиятлар ҳақида сўраш фойдали бўлади. Кўпинча талабалар мавжуд баҳолаш тизимида катта ҳажмдаги ёзма материаллар тайёрлаши керак. Бу кўникма ўқишини давом эттиришни режалаштирганлар учун фойдали бўлиши мумкин, аммо барча битирувчилар билимларни баҳолашнинг ушбу ёндашувидан тенг равишда фойдаланишлари мумкин эмас, шунинг учун





битирувчилар билим ва кўникмаларини баҳолаш имконини берувчи усул ва воситаларни ишлаб чиқиш муҳимдир. Талабаларнинг турли хил кўникмаларини, жумладан ўзлаштирилган билимларни амалда қўллаш, шунингдек танқидий ва таҳлилий фикрлаш, муаммони ҳал қилиш, ўз вақтини самарали бошқариш ва келажақда иш берувчилар учун зарур бўлган бошқа кўплаб кўникмаларни кўрсатиш имконини берувчи баҳолаш тизимини ишлаб чиқинг. Ихтисосликдан келиб чиққан ҳолда баҳолашнинг бундай шакллари мисол сифатида кейс-стади, лойиҳа ишлари, ишлаб чиқариш амалиёти, аниқ иш вазиятлари ва бошқалар бўлиши мумкин. Талабаларни ўз-ўзини, бошқа талабалар томонидан баҳолаш шакллари билан боғлиқ баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишга жалб қилиш керак. Бу олий таълим муассасаларига талабаларда ўқиш ва ўнинг натижалари учун ўзларининг масъулиятини оширишга ёрдам беради. Шу билан бирга, амалий кўникмаларга баҳо беришни курснинг бошидан жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

3. Талабалар билан уларни ишга жойлашиш имкониятларини муҳокама қилинг

Тез ривожланаётган технологиялар ва ахборотлар даврида меҳнат бозори мунтазам ўзгариб боради ва янги имкониятлар доимо пайдо бўлади. Ўқув режасини ва ўқитиш усулларини тўғри мувофиқлаштириш учун меҳнат бозоридан диомий равишда хабардор бўлиб туриш

муҳимдир. Ушбу маълумотларни талабалар билан доимо ўртоқлашинг ва уларни ишга жойлашиш имкониятлари ҳақида ўйланг. Талабаларни меҳнат бозорига яхшироқ тайёргарлик кўриши учун бу масалаларни кенг ва очиқ муҳокама қилиш керак. Талабалар қаерга ишга боришлари ҳақида ҳақиқий тасаввурга эга бўлишлари керак ва қандай ишларни амалга оширишларини англашлари лозим. Талабалар билан бутун ўқув йилида ишга жойлашиш имкониятлари ҳақида суҳбатлар ўтказиш зарур.

4. Талабаларга амалиёт орқали тажриба орттириш имкониятларни яратиш.

Талабаларнинг ишга жойлашиш қобилиятлари анъанавий академик кўникмалар билан бир қаторда аниқ амалий вазиятлар билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланади ва ривожланади. Шунга кўра, Сиз ўқув дастурингиздаги ишлаб чиқариш амалиётини стажировка, ишлаб чиқаришга саёҳат (кўчма машғулотлар), касбий маҳорат мактаблари, тадбиркорлик ташаббуслари ва ҳоказо шаклларда амалга оширишингиз мумкин. Талабаларга ўзларининг таълим тажрибаларини иш тажрибаси орқали оптималлаштириш, амалиёт ва стажировка ўташ имконияти учун етарли шарт-шароитни яратиш лозим.

5. Иш берувчиларни ўқув жараёнига жалб қилинг

Иш берувчиларни ўқув дастурлари, билим ва кўникмаларини баҳолаш тизимини ишлаб чиқишга жалб қилинг, улардан талабалар ушбу билим ва кўникмаларни иш жойида қачон ва қай тарзда қўллашлари ҳақида тақриз беришларини сўранг. Иш берувчиларни битирув иши/магистрлик диссертация ишларини ҳимоя қилиш, лойиҳа тавсияларини баҳолаш жараёнларига таклиф қилинг. ОТМнинг ишлаб чиқариш билан ҳамкорлик алоқаларини яхшилаш учун иш берувчилар билан мунтазам учрашувлар ташкил этиш ва ҳар икки томоннинг тегишли жойлардаги ўзгаришлардан хабардор бўлишлари учун муҳокамалар ўтказиш фойдали ҳисобланади. Бундан ташқари, иш берувчиларни келгусидаги иш ва бурчларига

оид саволларига жавоб бериш учун талабалар билан учрашувларга мунтазам таклиф этинг.

6. Битирувчиларни ўқув жараёнига жалб қилиш

ОТМ битирувчилари билан доимий алоқада бўлинг. Уларни ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашишлари учун олий таълим муассасасига таклиф қилинг. Бундан ташқари, бундай учрашувлар онлайн форум шаклида ўтказилиши мумкин. Учрашув олдиндан талабалар битирувчиларга улар

қизиққан мавзуда олдиндан савол тайёрлашлари мумкин. Битирувчилардан очиқ ва холис бўлиб саволларга жавоб беришларини сўранг. Муваффақият ёки муваффақиятсизликлар, битирувчилар томонидан ёзилган ва улар томонидан тақдим этилган амалий маслаҳатлар, талабаларнинг иш қобилиятини ривожлантиришнинг муҳимлиги тўғрисида хабардорлигини оширишга ва уларни кўпроқ иштиёқини оширишга ёрдам беради.

Ўқитиш сифати таълим жараёнининг таълим мақсадларига мослигини акс эттирувчи ҳолатни англатади.

Сифат кўрсаткичлари олий таълим муассасасининг сифат талабларига эришганлик даражасини таснифловчи маълумот birlikлари (статистик маълумотлар, мурожаатлар) ҳисобланади.

Сифатни баҳолаш соҳалари ва кўрсаткичлари:

№	Сифатни баҳолаш соҳалари	Сифатни баҳолаш кўрсаткичлари
1.	<p>Ўқув дастурлари олий таълим муассасаларида дарс беришнинг асосини ташкил этади. Улар талабаларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, шунингдек уларнинг шахсий ривожланиши ва келгусидаги фаолиятида қўлланилиши мумкин. Шахсга йўналтирилган ўрганиш ва ўқитиш талабаларнинг мотивациясини рағбатлантириш, ўз фикрини ифодалаш ва таълим жараёнидаги фаол иштирокини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Бу ўқув дастурларини пухта ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда натижаларни баҳолашни англатади.</p> <p><i>(Олий таълим доирасида Европа ҳудудида сифатни таъминлаш бўйича стандартлар ва тавсиялар, http://www.enqa.eu/wp-content/uploads/2015/11/ESG_2015.pdf)</i></p>	<ol style="list-style-type: none"> 1) Ўқув дастурларининг мақсади ва ўқитиш натижаларининг аниқлиги ва очиқлиги. 2) Таълим мазмунининг давлат стандартлари ва бошқа норматив актлар (меъёрий ҳужжатлар) га мослиги. 3) Ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, бошқариш ва амалга оширишда изчиллик принципларига амал қилиш, яъни талабалар, ўқитувчилар ва иш берувчиларни дастурларни ишлаб чиқиш ва сифатини баҳолаш жараёнига жалб қилиш. 4) Ўқув дастурини методологик (шунингдек курсни ўрганиш дастури ва тематик режалар жадвали), ахборот, моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватланишини таъминлаш. 5) Ўқув дастурлари сифатини ҳар йили баҳолаб бориш, улардаги заиф ва кучли томонларни ўрганиш, такомиллашириш мақсадида улардаги ўзгаришлар, имкониятлар ва ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш
2.	<p>Академик персонал сифати</p> <p>Талабаларда юқори сифатли тажрибани шакллантириш ҳамда билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш имконини яратишда ўқитувчининг роли муҳим аҳамиятга эга. Талабалар жамоасини диверсификация қилиш ва натижаларни ўрганишга кўпроқ эътибор қаратиш шахсга йўналтирилган таълим ва ўқитишни талаб этади, ўз навбатида, педагогнинг роли ҳам ўзгаради. Олий таълим муассасалари ўз кадрлари сифати, шунингдек уларга ўз вазифаларини самарали тарзда бажаришлари учун қулай шароитларни яратиш бўйича асосий масъулиятни ўз зиммасига олади.</p> <p><i>(Олий таълим доирасида Европа ҳудудида сифатни таъминлаш бўйича стандартлар ва тавсиялар, http://www.enqa.eu/wp-content/uploads/2015/11/ESG_2015.pdf)</i></p>	<ol style="list-style-type: none"> 1) Фоиздаги фан докторлари нисбати 2) Касбий ва илмий соҳадаги тажрибаси 3) Педагогик маҳорат, бошқа малака ошириш курсларида ўқиш 4) Илмий мақолалар 5) Илмий ихтиролар 6) Патентлар 7) Анжуманлардаги иштироки 8) Лойиҳаларни бошқариш ва уларда иштирок этиш 9) Бошқа олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик 10) Хорижий талабалар билан ишлаш 11) Ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқилган дарслик ва бошқа ўқув материаллари 12) Профессионал соҳадаги фаолияти 13) Ҳудуд/вилоят/университет ривожига қўшган ҳиссаси 14) Лекторларнинг мукофотланганлиги 15) Интизом ва этика қоидаларига риоя қилиш 16) Лекторларни баҳолаш ва мотивация қилиш тизими
3.	<p>Талабалар билан ҳамкорлик даражаси сифати</p> <p>Фан дастури тўғрисидаги маълумот талабалар учун доим бўлиши лозим. Бу маълумот объектив, етарли даражада шаффоф ва жамоатчилик учун очиқ бўлиши керак.</p>	<ol style="list-style-type: none"> 1) Мақсадли ва мотивацияга эга талабалар гуруҳини шакллантириш мақсадида ўрта махсус таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш. 2) Талабалар билан ўқиш имкониятлари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини муҳокама қилиш, ахборот дастурлари ва оммавий ахборот воситаларида мақолалар бериб бориш, меҳнат бозорлари ва очиқ эшиклар кунларини ташкил қилиш ва ш.к.

№	Сифатни баҳолаш соҳалари	Сифатни баҳолаш кўрсаткичлари
4.	<p>Битирувчилар билан ҳамкорлик сифати Масъулиятли қарорлар қабул қилиш учун битирувчиларнинг ютуқлари ҳақида маълумотлар бериш, шунингдек таълим дастурлари битирувчилари билан мунтазам равишда қайта алоқани йўлга қўйиш муҳимдир.</p>	<ol style="list-style-type: none"> 1) Битирувчиларнинг ишга жойлашиши (%) учун имкониятлар яратиш; 2) Ўз ўқишини давом эттираётган битирувчилар нисбати; 3) Битирувчиларнинг рақобатбардошлиги.
5.	<p>Ўқув жараёни сифати Таълим муассасалари талабалар «ҳаёт цикли» нинг барча босқичларини қамраб оладиган олдиндан белгиланган ва чоп этилган қоидаларни кетма-кет қўллашлари лозим, масалан, талабалар қабули, ўзлаштириш, ютуқлари, тан олиниши ва сертификацияси. Ўз академик карьерасида муваффақиятларга эришиш учун талабаларга зарур бўлган шароитларни яратиш ва уларни қўллаб-қувватлаш талабалар, дастурлар, муассасалар ва умуман тизим учун жуда муҳимдир. Талабалар олий таълим тизими ичида ва ўртасида мобил (ҳаракатчан) бўлган ҳолатда қабул, тан олиш ва битирув тамойиллари мақсадли бўлиши ўта муҳим. <i>(Олий таълим доирасида Европа ҳудудида сифатни таъминлаш бўйича стандартлар ва тавсиялар, http://www.enqa.eu/wp-content/uploads/2015/11/ESG_2015.pdf)</i></p>	<ol style="list-style-type: none"> 1) Инновацион ўқитиш жараёнлари методи ва кутилаётган натижаларни аниқ белгилаб олиш. 2) Талабалар учун консултациялар, ўқишга бўлган қизиқишни (мотивацияни) ошириш. 3) Билим ва малакаларни баҳолашда объективлик, шунингдек ушбу натижалардан ўқув жараёнини такомиллаштиришда фойдаланиш. 4) Талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларидаги иштироки (танланган мавзунинг долзарблиги ва унинг ўқув дастури мазмунига алоқаси), талабаларнинг илмий ишлари танлови (мукофотлар, тақдирлаш, махсус стипендиялар). 5) Халқаро ҳамкорлик, бошқа университетлар билан талабалар алмашинуви, талабаларнинг хорижда амалиёт ўташи учун имкониятлар. 6) Мобиллик дастури бўйича ўқиш натижаларининг тан олиниши. 7) Ўқув юкмаси, мустақил ишларни ташкил қилиш - режа, ҳажм, экспертиза турлари ва ш.к.; консултация олиш имконияти; ахборотга кириш; ўқув курси мазмуни, ўқув курсларини жойлаштириш тузилмаси ва уларнинг узвийлиги, ўзгарувчанлиги ва янгилиги. 8) Олий таълим муассасасининг миллий ва халқаро рейтинглардаги ўрни. 9) Ишончли ва амалдаги иш берувчилар билан учрашувлар (турлари ва келиб-кейтиш вақтлари) 10) Олий таълим муассасасидаги талабаларнинг ҳиссиётлари: <ol style="list-style-type: none"> a. Ўзлаштирилган билим, малака, муносабат, ижтимоий алоқалардан қониқиш; b. талабанинг ижтимоий мавқеи (ижтимоий роли) дан фойдаланиш кўлами (имкониятлар); c. педагогик жараён субъектлари (талабалар)нинг индивидуал қизиқишлари ва эҳтиёжларига ҳурмат билан қараш; d. талабанинг ўз имкониятларидан фойдаланиш ва ўз ўрнини белгилаш даражаси.
6.	<p>Ахборот манбалари (ресурслар) ва инфратузилма сифати Талаба ва профессор-ўқитувчиларга ўқув дастурига мос сифатли ахборот ресурслари ва инфратузилмани яратиш бериш керак.</p>	<ol style="list-style-type: none"> 1) Таълим сифатини таъминлаш бўлимининг мавжудлиги. 2) Ўқув жараёни ахборот тизими (талабаларни рўйхатга олиш, дастурларни рўйхатга олиш, кадрларни рўйхатга олиш ва ш.к.). 3) Таълим жараёни ва илмий-тадқиқот инфратузилмасининг сифати (бинолар, хоналар, уларнинг жойлашуви, кутубхона хизматлари, ахборот олиш имконияти, Интернет, компьютерлар, барча турдаги жиҳозлар ва ш.к.). 4) Ишчи ва таълим муҳитини таснифловчи миқдорий кўрсаткичлар (битта ходим ёки талабага м² жой, ҳар бир персоналга компьютерлар ва бошқа жиҳозлар нисбати). 5) Ёрдамчи инфратузилма сифати (мехмонхона хизматлари, умумий овқатланиш жойлари хизмати, спорт маркази, маданий тадбирлар ва ш.к.).

Жамоатчиликга ўқув жараёнини бошқариш ва унинг амалга оширилиш ҳолати, шунингдек мунтазам равишдаги ташқи таълим сифа-

тини баҳолаш натижалари ҳақидаги маълумот бериш таълим жараёнини ташкил қилиш ва таълим сифатини таъминлашнинг зарурий шартларидан ҳисобланади.